


DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI



Elektron ilmiy-ommabop jurnal

2025

1-SON

(+998) 50-005-45-69

https://t.me/demografiya_mehnatbozori

demografiya_mehnat_bozori@mail.ru

**DEMOGRAFIYA
VA MEHNAT
BOZORI**

**2025-yil
1-SON**

Elektron ilmiy-ommabop jurnal
Электронный научно-популярный журнал
Electronic popular science journal

BOSH MUHARRIR:

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

TAHRIR HAY'ATI:

Abduraxmonov Qalandar Xodjaevich, i.f.d., akademik.

Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof.,

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof.,

Axmedov Durbek Quدراتillaevich, i.f.d., professor

Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.,

Nasimov Dilmurod Abdulloyevich, i.f.d., prof.,

Arabov Nurali Uralovich, i.f.d., prof.,

Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna, i.f.d., prof.,

Mamadaliyeva Xafiza Xoldarovna, i.f.d., prof.,

Irmatova Aziza Baxromovna, i.f.d., prof.,

Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, g.f.d., professor

Isayev Faxriddin Ikramovich, i.f.d., prof.

Usmanov Anvar Saidmaxmudovich, i.f.d., professor

Qodirov Abdurashid Madjidovich, i.f.d., professor

Hermann Sterzinger, i.f.d., professor (Germaniya)

Ergashxodjaeva Shaxnoza Djasurovna, i.f.d., professor

Tomash Kuchera, i.f.d., professor (Chexiya)

Abrorov Sirojiddin Zuxriddin o'g'li, PhD

Shakarov Zafar Gaffarovich, PhD, dotsent

Maxmudov Asliddin Sirojiddin o'g'li, PhD

Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir o'g'li, PhD

Asqarova Muhabbat Ibraximovna

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

MUNDARIJA

Умурзаков Баходир Хамидович <i>Дунёдаги демографик ривожланиш ҳолати ва истиқболлари.....</i>	4
Xudoykulov Sadirdin Karimovich, Abdurahimov Sarvar Nasrilloevich <i>Kambagʻallikni qisqartirish, aholi turmush tarzini yaxshilash — farovon hayot demakdir.....</i>	18
Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, Musayev Bekzod Murodovich <i>Mirzachoʻl iqtisodiy rayon shaharlarining ijtimoiy-demografik rivojlanishi va muammolarini hal etish yoʻllari.....</i>	29
Мамадалиева Хафиза Холдаровна <i>Демографическое развитие и его влияние на экономический рост страны: теоретический и эмпирический анализ.....</i>	38
Abdullayev Asliddin Jumaydullayevich, Burxonov Sardorjon Nasulloyevich <i>Enhancing educational effectiveness through the application of innovative communication marketing strategies in higher education institutions.....</i>	49
Yavmutov Dilshod Shoyimardonqulovich, Burxonov Sardorjon Nasulloyevich <i>The role of industrial greening in ensuring economic stability in our country.....</i>	63
Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, Omanova Kamola Botir qizi <i>Jizzax viloyati qishloq aholi manzilgohlari joylanishining geografik xususiyatlari (turlari va shakllari).....</i>	73
Shakarov Zafar Gafforovich <i>Иш жойлари мониторинги амалга оширишнинг хорижий давлатлар тажрибалари.....</i>	82
Burxonov Sardorjon Nasulloyevich <i>Leveraging marketing strategies to boost national economic competitiveness.....</i>	91
Sherxolov Olimjon Iskandarovich, Musayev Bekzod Murodovich <i>Samarqand viloyati aholi soni dinamikasi.....</i>	100
Maxmudov Asliddin Sirojiddin oʻgʻli <i>Mintaqalarni barqaror rivojlantirishning iqtisodiy asoslari.....</i>	107
Asqarova Muhabbat Ibraximovna <i>Hozirgi zamon ilmiy-amaliy yondoshuvlarni innovatsion tarzda shakllantirish va rivojlantirish...</i>	116
Burxonov Sardorjon Nasulloyevich, Dustmurodov Diyorbek Xoʻdayor oʻgʻli <i>Tadbirkorlik subyektlarida moliyaviy strategiyani shakllantirish.....</i>	125
Нуманова Мадина Латиф қизи <i>Инсон капитали ва барқарор ўсиш: Ўзбекистон ҳудудларининг рақобатбардошлигини оширишдаги роли.....</i>	131
Toʻrayev Mirzohid Hoshim oʻgʻli <i>Yaponiyada uy xoʻjaligi transfertlarining iqtisodiy ahamiyati va uni Oʻzbekiston sharoitida tatbiq etish imkoniyatlari.....</i>	143
Ibragimova Mehrangiz Isomiddinovna <i>Taʼlimda modulli oʻqitish texnologiyasi.....</i>	151
Roʻziyeva Anora Muhammadiyor qizi <i>Kompyuter jinoyatlari va kiberxavfsizlik: raqamli jamiyatda huquqiy, texnologik va ijtimoiy jihatlar.....</i>	156
Mamatqulova Mushtariy Komiljon qizi <i>Mehnat munosabatlarida moliya-soliq mexanizmlari orqali norasmiy bandlikni kamaytirish choralari.....</i>	165
Yunusova Ugʻiloy Bolqiboy qizi <i>Ovqatlanish korxonalarida ofitsantlar xizmat sifatini oshirish.....</i>	172

ИНСОН КАПИТАЛИ ВА БАРҚАРОР ЎСИШ: ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ

Нуманова Мадина Латиф қизи
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон ифтисодини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази
кичик илмий ходими
E-mail: madinumani@gmail.ru
ORCID: 0009-0000-1979-0426

Аннотация. Ушбу мақолада инсон капитали тушунчаси, унинг иқтисодий ўсиш ва ҳудудлар рақобатбардошлигига таъсири ҳамда Ўзбекистон ҳудудларида барқарор ривожланишни таъминлашдаги роли илмий таҳлил қилинган. Мақолада инсон капиталининг таълим, касбий тайёргарлик каби таркибий қисмлари таҳлил қилиниб, илмий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: инсон капитали, барқарор иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик, таълим, ҳудудий ривожланиш.

ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ И УСТОЙЧИВЫЙ РОСТ: РОЛЬ В ПОВЫШЕНИИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА

Нуманова Мадина Латиф кизи
младший научный сотрудник
научно-исследовательского центра
“Научные основы и проблемы развития
экономики Узбекистана” при ТГЭУ

Аннотация. В статье представлен научный анализ понятия «человеческий капитал», его влияния на экономический рост и региональную конкурентоспособность, а также его роли в обеспечении устойчивого развития регионов Узбекистана. В статье анализируются такие составляющие человеческого капитала, как образование и профессиональная подготовка, и даются научные предложения.

Ключевые слова: человеческий капитал, устойчивый экономический рост, конкурентоспособность, образование, региональное развитие.

HUMAN CAPITAL AND SUSTAINABLE GROWTH: THE ROLE IN IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF UZBEKISTAN'S REGIONS

Numanova Madina Latifkizi

Researcher at research center

*“Scientific bases and issues of economic
Development of Uzbekistan”*

under the Tashkent state University of economics

Abstract. *The article presents a scientific analysis of the concept of “human capital”, its impact on economic growth and regional competitiveness, as well as its role in ensuring sustainable development of the regions of Uzbekistan. The article analyzes such components of human capital as education and professional training, and provides scientific proposals.*

Key words: *human capital, sustainable economic growth, competitiveness, education, regional development.*

Кириш. Ҳозирги рақобат муҳитида ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсиши, инновацион салоҳияти ва барқарор тараққиёти инсон капиталига боғлиқ ҳолда шаклланмоқда. Хусусан, инсон капитали — яъни билим, малака ва соғлом турмуш тарзига эга аҳоли мамлакатнинг стратегик бойлиги сифатида эътироф этилмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасида ҳам охириги йилларда ушбу йўналишда изчил ва тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 11-сентябрда қабул қилинган ПФ-158 сон “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида инсон капитали ривожини миллий тараққиётнинг марказий устувор йўналиши сифатида белгиланган. Унда таълим, соғлиқни сақлаш, гендер тенглиги, ижтимоий ҳимоя ва рақамлаштириш соҳаларида кенг қамровли вазифалар белгилаб берилган. Хусусан, қуйидагилар стратегиянинг асосий мақсадларидан бири сифатида қайд этилган:

Инсон капиталини ривожлантириш – янги Ўзбекистоннинг асосий пойдеворидир. 2030 йилга қадар аҳолини касб-ҳунар, олий ва узлуксиз таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш орқали ҳар бир фуқаронинг ўз салоҳиятини тўла рўёбга чиқариши учун барча шароитлар яратилиши кўзда тутилган[1]. Шу билан бир қаторда, 2022 йил 28 январда қабул қилинган ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги фармони ҳам таълим,

илм-фан ва инсон капиталига оид комплекс чора-тадбирларни назарда тутди[2].

Ҳозирда инсон капиталини тўлақонли ривожлантиришда қуйидаги муаммолар мавжуд:

ҳудудлараро таълим тенгсизлиги;

таълим мазмунининг меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги;

илмий-тадқиқот фаоллигининг паст даражада бўлиши;

касбий таълим инфратузилмасининг етарли даражада эмаслиги.

Инсон капитали — бу инсоннинг билим, малака, тажриба ва соғлиқ ҳолати каби иқтисодий фаолиятга таъсир кўрсата оладиган хусусиятлар мажмуасидир. Замонавий иқтисодиётда инсон капитали ўсиш, инновация ва рақобатбардошликнинг асосий омилига айланган. Ўзбекистонда ҳам ҳудудий ривожланиш стратегияларида инсон ресурсларининг сифатини ошириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мазкур мақолада инсон капитали таркибий қисмлари, унинг иқтисодий ўсишга таъсири ва ҳудудлар рақобатбардошлигини оширишдаги роли ўрганилган.

Тадқиқот методологияси. Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси миллий статистика қўмитаси, Олий таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон банки, OECD каби халқаро манбалардан олинган статистик маълумотлардан фойдаланилган. Солиштирма таҳлил ва эмпирик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Адабиётлар шарҳи. Гэри Беккер инсон капитали тушунчасини кенгайтириб, уни иқтисодий таҳлилнинг марказий категорияси сифатида киритди. У таълимга қилинган сармоя келажакда иқтисодий даромадни оширишга хизмат қилишини исботлаган. Беккернинг назарияси ҳудудий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади[3].

Т. Шульц (1961) инсон капиталини иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий ресурс сифатида таърифлайди. У таълим, соғлиқ ва кўникмаларга қилинган сармояларни инсон ишлаб чиқариш қобилиятини оширувчи восита деб ҳисоблайди. Унга кўра, инсон капитали даражаси юқори бўлган мамлакатларда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва инновация юқори бўлади [4].

Жеффри Сакс (2020) инсон капитали ва барқарор ривожланиш ўртасидаги узвий боғлиқликни таъкидлайди. У таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига инвестициялар жамиятнинг барча қатламларини қамраб

олишини ва иқтисодий тенгликка эришиш имконини беришини таъкидлайди[5].

Академик К.Абдурахмонов(2017) инсон омилини миллий тараққиётнинг марказига қўйиб, инсон капитали — билимли, маънавиятли ва ижодкор шахслар жамияти ривожининг ҳал қилувчи омили эканини таъкидлайди. Унинг фикрича, инсон манфаатлари устувор бўлган давлатда иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришиш мумкин. Асарда таълим, маънавий ривожланиш ва инсон қадрининг ўзаро боғлиқлиги кенг ёритилган [6].

Акрамова Ш.Г. (2019) Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш бўйича ўз тадқиқотида Ўзбекистонда инсон капитали салоҳияти, таълим тизимидаги муаммолар ва уларнинг меҳнат бозорига таъсири таҳлил қилган[7].

Роберт Лукаснинг(1988) таъкидлашича, инсон капитали жамғармасининг ўсиши иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери ҳисобланади. Маҳсулдорлик, инновацион фаолият ва мамлакатлар ўртасидаги яшаш даражасидаги фарқлар айнан инсон капитали даражасига боғлиқдир. Унинг моделлари кейинчалик эндоген ўсиш назариясига асос солди ва таълимнинг стратегик аҳамиятини қайта кўрсатди. [8].

Ханушек, Е. & Воессманн, Л. (2015). Муаллифлар таълим сифати ва инсон капитали индекси мамлакатларнинг иқтисодий ўсишини белгилаб берувчи асосий факторлардан эканини илмий далиллар билан кўрсатишади. Уларнинг эмпирик тадқиқотлари ҳудудий даражада ҳам шу боғлиқликни тасдиқлайди[9].

UNDP(2023) маълумотларига кўра инсон ривожланиши индексида таълим, соғлиқ ва турмуш даражаси асосий мезонлар сифатида белгиланган. Ушбу ҳисоботда инсон капитали даражаси юқори бўлган ҳудудлар барқарор ўсишга эришиши аниқ кўрсатилган[10].

Раҳимов А. (2021). Инсон капитали ва иқтисодий модернизация жараёнлари. Иқтисодий таҳлил журнали. Муаллиф инсон капиталига сармоя киритишнинг миллий иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятини таъкидлаб ўтади. У таълим ва соғлиқни сақлаш инфратузилмасини ривожлантириш орқали ҳудудий ривожланишни таъминлаш йўлларини таклиф қилади[11].

OECD (2023) tadqiqoti inson kapitali tarkibiy qismlari (biling, kunikma, salomatlik) hududiy dаражада raqobatbardoshlik va iqtisodiy ushga qanday ta'sir qilihini ta'lim etadi. Xisobotda hududlararo nomutanosibliklar inson kapitali orqali kamaytirilishi mumkinligi aytiladi[12].

Ja'xon banki (2020) usining 2020 yilgi The Human Capital Index 2020 Update: Human Capital in the Time of COVID-19 xisobotida, COVID-19 pandemiasining inson kapitaliga ta'sirini urganган. Unda ta'lim va sog'liq soxalaridaги uzilishlar iqtisodiy ush sur'atlariga jiddiy ta'sir etгани kursatilган. Hududlar buyicha inson kapitalidaги farqlar teran ta'lim qilingan [13].

Osiё taraqqiyot bankining 2022 yilgi xisobotida ta'kidlanishicha, Markaziy Osiё davlatlarida, xususan, Uzbekistonda inson kapitalini rivojlantirish — yani ta'lim tizimini isloх qiliш va mалака oshirish dasturlariga sarmoya kiritish — iqtisodiy ushni raqobatlantirish, mehnat unumdorligini oshirish va hududiy raqobatbardoshlikni ta'minlashning asosiy sharti xisoblanadi. Xisobotda ta'lim sifatini yaxilash orqali barqaror va inklyuziv rivojlantirishga erishish mumkinligi aloхida qayd etilган. [14].

Ta'lim va tadqiqot natijalari. Iqtisodiy ushga ta'sir qiluvchi omillar iqtisodiy nazariyaда keng urganilган va ular mamakatning barqaror rivojlantirish salohiyatini belgilaydi. Quyida iqtisodiy ushga ta'sir etuvchi asosiy omillar keltilган: (1-rasm)

Ta'lim tizimi kengaytirilishi iqtisodiy ush jaraenlarining markaziy omillaridan biri. Ayniqsa, 2020 yildan sunг Uzbekistonda oliy ta'lim muassasalari soni va talabalar qamrovi sezilarli dаражада oshdi. Bu jaraen milliy iqtisodiyotning ush sur'atlari bilan bevosita bog'liqdир. Ta'lim inson kapitali shakllanishining asosiy tarkibiy qismi xisoblanadi. Biling va kunikmalarга эга bulган ishchi kuchining mehnat unumdorligi yuqori buladi.

Oliy ma'lumotli кадрлар инновацион faollikni ta'minlaydi, texnologik uzgarishlarni tez uzlashtiradi va sanoatда yuqori qiymatli mahsulotlar ishlab chiqarilishiga хисса qushadi. Makroiqtisodiy modelлар (misol uchun Soloу модели)да ta'lim kapitali iqtisodiy ushni uzoq muddatli davrда belgilaydиган хал qiluvchi omillardan biri sifatida этироф etiladi.




1-расм. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи асосий омиллар

Манба: муаллиф томонидан ўрганилган назарий материал асосида тузилган.

2024-2025 ўқув йили бошида Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 18–23 ёш оралиғидаги аҳолининг 47,7 фоизи олий таълим муассасаларида таҳсил олаётгани қайд этилган[22]. Бу кўрсаткич 2014-йилга нисбатан 40,9 фоизга ошган. Йиллар кесимида олий таълим билан қамров даражаси қуйидагича ўсган(2-расм).

Ўзбекистон Республикасида 18–23 ёшдаги аҳолининг олий таълим билан қамраб олиниши 2014-йилдан 2024 йилгача бўлган даврда барқарор ўсиш тенденциясини намоён этган. Ушбу муддат ичида ушбу ёш тоифасида таълим қамрови 6,8 фоиздан (2014 йил) 47,7 фоизгача (2024 йил) ошган. Бу эса таълим соҳасида амалга оширилган ислохотларнинг самарадорлигини кўрсатади.



2-расм. 2014-2024 ўқув йили бошига Ўзбекистон Республикасининг 18-23 ёшдаги аҳолисини олий таълим билан қамраб олиш қўрсаткичи, фоизда[15]


Манба: Ўзбекистон Республикаси миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

2014-2017 йилга қадар қамров даражаси нисбатан секин ўсган. Бу даврда ўсиш ҳар йили ўртача 0,5–0,6 фоизни ташкил этган бўлиб, олий таълим тизими кенгайишининг дастлабки босқичини ифода этади. 2018-2020 йиллар даврда ўсиш тезлашганини кўришимиз мумкин. 2018-йилда қўрсаткич 10,6% га, 2020 йилга келиб эса 18,7% га етган. Бу жараён олий таълим муассасалари сонининг кўпайиши, янги филиаллар очилиши ва талабалар қабул квоталарининг ошиши билан боғлиқ.

Энг жадал ўсиш 2021-2024 йиллар даврида кузатилган. 2021- йилда қамров даражаси 28,2% ни, 2022- йилда 36,6% ни, 2023-йилда 45,9% ни, 2024-йилда эса 47,7% ни ташкил этган. Бу ўсиш ижтимоий эҳтиёжнинг ортиши ва давлат томонидан таълим соҳасига йўналтирилаётган маблағлар ҳажмининг кўпайиши билан изоҳланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида олий таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида таълим муассасалари сони кескин ошди. Бу ўзгаришлар нафақат таълим соҳаси, балки иқтисодий фаоллик, меҳнат бозори ва макроиқтисодий кўрсаткичларга ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда(3-расм).

Олий таълим ташкилотлари сони



3-

расм. 2015-2024 йиллар Ўзбекистон ҳудудлари кесимида Олий таълим ташкилотлари сони [15]

Охири 10 йил ичида умумий олий таълим муассасалари сони 69 тадан 222 тагача ошган, яъни 3,2 баробар ўсиш кузатилган. 2017–2020 йиллар ислохотлар фаол даври бўлиб, жадал ўсиш қайд этилган. 2018 йилнинг ўзида 26 та янги ОТМ очилган. 2021–2024 йиллар барқарор кенгайиш ва ҳудудларга кенг қамровли таълимни етказиш босқичига ўтган. Ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳрида 2015-йил 38 та, 2024 йил эса 98 та Олий таълим муассасаси ташкил этилганини кўришимиз мумкин. Бу натижа Тошкентнинг илмий-интеллектуал марказ сифатидаги мавқеини тасдиқлайди.

Самарқанд вилоятида 2015-йил 6 та Олий таълим ташкилотлари фаолият юритган бўлиб, 2024 йилга келиб уларни сони 15 тани ташкил этиб, 2,5 баравар ўсиш кузатилган. Туризм ва агросаноат йўналишларида ихтисослашган ОТМлар кўпайган.

Фарғона вилоятида 2015 йил ОТМлар сони 3 та, 2024 йилга келиб 13 тани ташкио этган. 2015 йил кўрсаткичлари бўйича Андижон вилоятида ОТМлар сони 4 та, 2024 йилга келиб 10 тани ташкил этганини кўришимиз мумкин. Ҳудудлар бўйича энг паст кўрсаткич Сирдарё вилояти, Навоий вилояти ва Жиззах вилоятида кузатилган.

2024 йилда Тошкент шаҳрида 98 та ОТМ мавжуд, Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятларида эса атиги 3–4 та. Бундай марказлашув ҳудудий ижтимоий нотенгликка олиб келади ва ички миграция кучайишига сабаб бўлади. Вилоятлардаги ОТМлар орасида таълим сифати, моддий-техник

база ва профессор-ўқитувчилар салоҳияти жиҳатдан марказга нисбатан орқа қолмоқда.

Хусусий ОТМлар орасида лицензиялаш ва назорат механизмлари етарли эмас. Аксарият ҳудудлардаги таълим муассасаларида замонавий, рақобатбардош мутахассисликлар (STEM, IT, экотехнология, логистика) етарли эмас. Бу ҳолат мутахассислик мос келмаслигига олиб келиб, ишсизликнинг яширин шакллари кучайтиради. Қишлоқ ҳудудларда юқори тезликдаги интернет, замонавий лаборатория ва қўлланмалар билан таъминот паст даражада. Бу рақамли иқтисодиётда билим олиш имкониятларининг чекланганлигига олиб келади.

Иқтисодий ўсиш ва ишсизлик даражаси ўртасидаги ўзаро муносабат макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатида муҳим йўналишлардан бири сифатида қаралади. Ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг ўсиши меҳнат бозоридаги фаолликка бевосита таъсир кўрсатади. Иқтисодий ўсиш, одатда, ишлаб чиқариш салоҳиятининг кенгайиши, инвестицион фаолликнинг ортиши ва хусусий сектор иштирокининг кучайиши билан бирга кечади, бу эса бандлик даражасининг ошишига хизмат қилади. Шу боис кўплаб иқтисодчилар мазкур кўрсаткичлар ўртасида тескари пропорционал боғлиқлик мавжудлигини таъкидлайдилар.

Назарий жиҳатдан мазкур боғлиқлик А. Оқун томонидан ишлаб чиқилган қонуниятлар орқали асослаб берилган. Унга кўра, иқтисодиётда ЯИМнинг реал ҳажми ўсиши ишсизлик даражасининг пасайишига олиб келади. Хусусан, ишлаб чиқариш суръатларининг потенциал ўсиш даражасидан юқори бўлиши ишсизлар сонининг қисқаришига сабаб бўлади. Бироқ ушбу нисбат ҳар бир мамлакатда демографик таркиб, меҳнат унумдорлиги, технология даражаси ва бандлик сиёсати каби омилларга кўра фарқ қилиши мумкин. Аммо замонавий иқтисодий шароитларда мазкур боғлиқлик янада мураккаб тус олмоқда.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги ўн йилликда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, хусусан, бозор механизмларини чуқурлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва инвестицион муҳитни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди. Шу билан бирга, мазкур ўсиш меҳнат бозори ҳолатига, яъни ишсизлик даражасига қандай таъсир кўрсатгани таҳлилани талаб этади.

Расмий статистик маълумотларга кўра, мамлакатда ишсизлик даражаси 2015 йилдаги 5,2% кўрсаткичдан 2020 йилда 10,5%гача кўтарилган. Бу даврда иқтисодиётда сезиларли таркибий ўзгаришлар, валюта либераллашуви, ташқи савдо режимининг эркинлаштирилиши ва янги секторларнинг очилиши билан бир қаторда, аҳоли сонининг ўсиши натижасида меҳнат бозоридаги босим кучайган. Айниқса, 2020 йилдаги COVID-19 пандемияси глобал иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиб, Ўзбекистонда ҳам иқтисодий фаолликнинг пасайишига ва ишсизликнинг энг юқори чўққига чиқишига сабаб бўлди.

Бироқ 2021 йилдан бошлаб ишсизлик даражасида пасайиш тенденцияси кузатилган: – 2021 йил — 9%; – 2022 йил — 8,9%; – 2023 йил — 6,8%; – 2024 йил — 5,3%

Мазкур пасайиш иқтисодий тикланиш жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳаси, қурилиш ва кичик бизнесда янгидан яратилган иш ўринлари, бандлик агентликлари фаолиятининг кучайиши билан изоҳланади. Шу жиҳатдан қаралганда, ишсизлик даражасининг изчил камайиши иқтисодий ўсишнинг ижобий меҳнат бозори самаралари билан мустақкам боғлиқ эканини кўрсатади.

Худудлар кесимида таҳлил қилинганда, 2024 йилда энг паст ишсизлик даражаси Тошкент шаҳри (4,5%), Навоий вилояти (4,9%) ва Андижон вилояти (5,2%)да кузатилган бўлса, энг юқори кўрсаткичлар Сирдарё (5,9%), Жиззах (5,8%) ва Тошкент вилояти (5,7%)да қайд этилган[15]. Шунингдек, 2015–2024 йиллар давомида иқтисодий ўсиш ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқлик мутаносиб эмас, балки динамик ва таркибий жиҳатдан мураккаб эканлиги ҳам таҳлил орқали аён бўлмоқда. Бу ҳолат ислохотларнинг узлуксизлиги, меҳнат бозорининг мослашувчанлиги ва институционал механизмлар самарадорлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон Республикасида инсон капитали салоҳиятини ривожлантириш ва худудларнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш бўйича кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар ижобий натижалар бераётган бўлса-да, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, хусусан, ишсизлик даражасини пасайтириш ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари долзарблигича қолмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, таълим билан қамровнинг ўсиши натижасида ЯИМ ўсиш суръатлари ортиб, ишсизлик даражаси пасаймоқда. Бироқ худудлар ўртасида таълим инфратузилмаси, иш

ўринлари сифати ва кадрлар эҳтиёжи бўйича сезиларли номутаносиблик сақланиб қолмоқда. Шу муносабат билан қуйидаги илмий асосланган таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ:

ҳудудий меҳнат бозори мониторингини кучайтириш орқали ҳар бир ҳудудда талаб юқори бўлган мутахассисликлар рўйхатини шакллантириш;

олий ва касбий таълим муассасаларини ишлаб чиқариш кластерлари билан интеграция қилиш, талабаларнинг амалиёт асосида таълим олиши ва ишга жойлашиш имкониятини кенгайтириш;

ёшлар ва хотин-қизлар учун мақсадли таълим дастурларини кенгайтириш, айниқса ишсизлик юқори бўлган ҳудудларда.

олий таълим муассасалари сони ва қамровини сифат жиҳатдан ривожлантириш — таълим мазмунининг меҳнат бозори талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

инсон капитали индексини жорий этиш — ҳудудлар кесимида таълим, соғлиқни сақлаш, кадрлар салоҳияти бўйича рейтинг ва назорат тизимини шакллантириш;

илмий-тадқиқот фаоллигини кучайтириш, ОТМларда стартап лойиҳалар ва инновацион марказларни ташкил этиш орқали инсон ресурсларини инновацион салоҳиятга йўналтириш.

инсон капиталига сармоя киритишни иқтисодий ўсишнинг устувор драйвери сифатида эътироф этиш — таълим ва соғлиқ соҳаларига ЯИМдан ажратиладиган маблағни босқичма-босқич ошириш;

таълим ва инновациялар орқали ҳудудларда қўшимча қиймат яратадиган соҳаларни ривожлантириш (агро-индустрия, туризм, рақамли хизматлар ва бошқалар);

давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудий иқтисодий лойиҳаларда билимли ёш мутахассислар иштирокини рағбатлантириш.

Ушбу таклифлар амалга оширилса, инсон капитали ривожини орқали иқтисодий ўсишнинг сифатли ва барқарор моделини шакллантириш, шу орқали Ўзбекистоннинг ҳудудий рақобатбардошлигини ошириш имкони яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон фармони. <https://lex.uz/gu/docs/-6600413>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28 январьда қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг

тараққиёт стратегияси тўғрисидаги ПФ-60- сон фармони.
<https://lex.uz/docs/5841063>

3. Becker, G.S. (1993). Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis, with Special Reference to Education. University of Chicago Press.

4. Schultz, T. W. (1961). Investment in Human Capital. The American Economic Review, 51(1), 1-17.

5. Sachs, J.D. (2020) Economics for the Common Good: A New Path for Growth.

6. Абдурахмонов К.Х. (2017) Ўзбекистонда инсон омили ва манфаатлари –энг олий кадрият. –Т.: «Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи». –346б.

7. Акрамова Ш.Г. (2019) Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётшаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.–Тошкент..

8. Lucas, R.E. (1988) ‘On the Mechanics of Economic Development’, Journal of Monetary Economics, 22(1), pp. 3–42.

9. Hanushek, E.A. and Woessmann, L. (2015) The Knowledge Capital of Nations: Education and the Economics of Growth. Cambridge, MA: MIT Press.

10. UNDP (2023) Human Development Report 2023: Breaking the Gridlock – Reimagining Cooperation in a Polarized World. New York: United Nations Development Programme.

11. Раҳимов, А. (2021). “Инсон капитали ва иқтисодий модернизация жараёнлари”. Иқтисодий таҳлил, №1, 42–48-бетлар.

12. OECD (2023). Human Capital and Regional Economic Development. Paris: Organisation for Economic Co-operation and Development.

13. Жаҳон банкининг расмий сайти.
<https://www.worldbank.org/ext/en/home>

14. Asian Development Bank (2022). Strengthening Human Capital in Central Asia for Inclusive and Sustainable Growth. Manila: ADB.

15. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг расмий сайти. <https://stat.uz/uz/>

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI

BOSH MUHARRIR:

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

